

02/2024

# ТАРАККИЁТ

Илмий-амалий, маңнавий-маърифий журнал



Яңгича нұқтаи назар

Қиём НАЗАРО  
фалсафа фанаты  
доктори, профессор

# МУМТОЗ ҚАДРИЯТЛАРГА ЯҢГИЧА ҚАРАШ ЗАРУРАТИ

ёхуд “Алпомиш” достони қачон яратилған?

ИНСОНИЯТ ТАРИХИННИҢ  
ҚАДИМИЙ ҚОНУНЛАРИДАН  
БИРИ - МУАЙЯН МИЛЛАТ  
УЗОҚ ДАВОМ ЭТГАН ИС-  
ТИБДОД ДАВРИДАН ЎТИБ,  
МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШИ  
БИЛАНОҚ УНИНГ ТАФАҚКУРИ  
БИР КУНДА ЁКИ БИР ЙИЛДА  
ТҮЛИҚ МУСТАҚИЛ БÜЛИШИ  
ВА БИРДАНИГА ТУБДАН  
ЯҢГИЛАНИШИ ҚИЙИНЛИГИ  
МУТАХАССИСЛАРГА ЯХШИ  
МАЪЛУМ. БУ БОРДА МУТЛАҚ  
ЯҢГИЛАНИШ, ТАФАҚКУРНИНГ  
ТУБДАН ЎЗГАРИШИ ЖАРАЁНИ  
БИР НЕЧА ЙИЛЛАР, БАЪЗИДА  
ЎНЛАБ ЙИЛЛАР ДАВОМ ЭТИ-  
ШИ МУМКИНЛИГИ ҲАМ АЙНИ  
ҲАҚИҚАТ.



**У**шбу ўзгариш ва янгиланиш жараёнида асл тарих саҳифалари тикланиши, муҳим воқеалар илдизи ва тадрижи ҳақидаги тасаввурлар янгиланиши ва тарихий ҳақиқатлар ўз ўрнини топиши билан мураккаб ўзгаришлар жараёни рўй беради. Бу жараёнда ҳалқ ўзини ва ўзлигини англайди, ўтмишнинг узилиб қолган ришталари орасидаги боғлиқлик, истилолар натижасида ва истилочилар томонидан атайлаб яратилган узлуклилар занжири янги даврга уланади, тарихий воқеаларнинг узлуксизлик тамоили тикланади, тарихда янгича нуқтаи-назар шаклланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган туб ислоҳотлар туфайли юртимизда ана шундай жараён бошланмоқда. Ушбу серқирра ва мураккаб жараёнда тарихга янгича қараш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Масалан, мустақиллик тафаккурига эга бўлган янги тарихчилар, адабиётчилар, файласуфлар – янги зиёлилар авлоди шаклланди. Шонли ўтмишимиznинг узилиб қолган ришталари қайта боғланмоқда, улар ҳақидаги асл ҳақиқатлар тикланмоқда. Булар сирасига ҳалқимиз қадриятларининг асл илдизлари, миллий тафаккурнинг антик манбалари бўлган ҳалқ оғзаки ижодининг қадимги намуналари ва мумтоз осори-атиқалар тўғрисидаги ҳақиқатларни кўрсатиш мумкин.

Маълумки, 2000 йилда юртимизда "Алпомиш" достонининг минг йиллиги кенг нишонланган, ҳалқаро ва миллий миқёсда кўплаб тадбирлар ўтказилган эди. Ўша пайтда ҳали мустақиллигимизга 10 йил ҳам тўлмаган, тарихимиznинг ўтмиш саҳифаларини англашга нисбатан собиқ мағкурунинг тафаккурдаги узоқ йиллар давомида ўрнашиб қолган "табу"лари таъсири муайян даражада сақланиб қолган эди. Шу билан бирга миллий олимлар ва мутахассисларнинг янги даврга мос янги авлоди ҳали тўлиқ камолга етмаган ва ўтмишга бутунлай янгича қараш тўлаёткис шаклланмаган эди.

Умр югурик, вақт эса ниҳоятда тез ўтиб бормоқда. "Алпомиш" достонининг минг йиллик санасини нишонлашга киришилганидан бўён орадан 25 йил вақт ўтди. Ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам бу сана билан боғлиқ баҳс-мунозаралар, тортишувларнинг охри кўринмаяпти.

Ҳар гал шуни эслаганимда 1999 йили Фан ва техника қўмитасида "Алпомиш" достонининг 1000 йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўришга бағишлиланган бир мажлисда ушбу асар тарихи 1000 йил эмас, балки бир неча минг йиллик тадрижи борлиги ҳақида эътиroz билдирилгани ёдимга тушади.

Ўшанда бундай эътиrozларга Фанлар Академиясининг раҳбарларидан бири ўзига хос жавоб бериб, бу борада катта ишлар бошлангани, ЮНЕСКОнинг розилиги олингани, зарур хужжатлар имзолангани ва энди мазкур масалада бошқача фикрларга ўрин қолмагани ҳақида тушунтириш берган эди. У сўзининг охрида достон-

нинг 1000 йиллиги бўйича Биринчи Президент Ислом Каримовга тақдимот қилингани, режа тасдиқланиб, амалга оширилаётгани, агар бундай ножӯя фикрлар урчиса, кўпчиликнинг ишдан кетиши ҳақида писанда ҳам қилиб қўйганди. Бу писандадан кейин ҳамманинг дами ичига тушган ва эътиrozларга ўрин қолмаган эди.

Хўш, кеча "мансадан айрилмайлик" деб кўркар эдик, бугун-чи? Бу савол билан кечаги кунни асло ёмонламоқчи ва у даврга қора чапламоқчи эмасман. Бу олчоқларнинг иши ва ори бор одамлар ҳеч қачон бундай қилмайди. Чунки бу тахлит йўл тутгандар донишманд ҳалқимиз томонидан ҳеч қачон олқишлиланмайди ва улардан ҳамма нафратланади. Аммо кўркув бўлгани ва амалимизда қолиш учун кўпчилигимиз замонасозлик қилганимизни ҳам тан олиш лозим...

Аммо бугун у давр ўтди. Ким нима дейиши ва келажакда қандай баҳо берилишидан қатъи назар, бугунги кунда тарихимиzniga нисбатан янгича қарашлар шаклланиб, Янги Ўзбекистон тафаккури камол топмоқда. Ва буларнинг барчаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг мустаҳкам сиёсий иродаси ва раҳбарлигига рўй берётгани ҳам ҳозирги даврнинг айни ҳақиқатидир.

Шу сабабдан ҳам Янги Ўзбекистонда азалий қадриятларимиз, мумтоз осори-атиқаларимиз тарихи ва тадрижига нисбатан янгича қарашлар пайдо бўлмоқда, ўтмишнинг "оқ доғлари"га барҳам берилмоқда.

Шулардан бири "Алпомиш" достони тарихи билан боғлиқ илмий муаммодир. Ҳақли савол туғилади: ушбу достоннинг уч минг ёки икки ярим минг йиллиги ҳақидаги фикрлар нимага нуқтаи назар бўлса, унда достоннинг фақатгина минг йиллик тарихи борлиги ҳақидаги фикрлар қаердан пайдо бўлган? Ва нима сабабдан айнан ана шу фикрлар кўллаб-кувватланди? Бугунги кунга келиб, бу борадаги тадқиқотларда яна нималарга эътибор бериш лозим? Агар "Алпомиш" достони яратилганининг минг йилдан ҳам қадимийлиги исботланса, кашф этилган сана қайта нишонланадими? Бу масалаларда мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг ёндашуви қандай? Ҳалқаро эксперталар ва ташкилотлар, айниқса, ЮНЕСКОнинг бунга муносабати қандай бўлади?

Ушбу саволлар ниҳоятда кенг қамровли масалаларни қамраб олади ҳамда уларнинг умумий мажмуи маҳсус илмий тадқиқотларни талаб қиласи, албаттта.

Биринчидан, Алпомишнинг қадимги сюжети тарихий жиҳатдан Гомер замонидан бир муддат олдинроқ пайдо бўлгани бу жиҳатдан у шумерлар ва хиндларнинг баъзи достонлари билан замондошлиги ҳақидаги фикрларни илмий-тарихий жиҳатдан чуқур ўрганиш зарур. Зоро, Гомернинг "Илиада" ва "Одессия" достонларининг сюжети "Алпомиш" достонининг қадимги сюжети билан қарийб бир хил экани ҳам тасодиф бўлмаса керак.



Шунингдек, "Алпомиш"нинг энг қадимги сюжети "Авесто" китобининг македониялик Искандар йўқ қилиб юборган қисмига уйқаш бўлгани ва унинг қадимги варианatlари айнан ана шу қисмлар билан бирга йўқ қилингани ҳақидаги ривоятлар бежиз шаклланмаган.

Афсуски, аввалига македониялик Искандар, сўнгра араб ва мўғул истилоси, кейинги босқинлар "Авесто" давридан бизга етарли маълумотлар қолдирмаган ва аслида истилоларнинг мақсадларидан бири ҳам шу бўлган. Яъни Искандардан кейинги босқинчилар ҳам унинг йўлидан борган ва ўзларига мос келмайдиган барча нарсаларни аёвсиз йўқ қилишган, миллий қадриятларни ҳалқ хотирасидан ўчириш ва миллатнинг тарихий хотирасини ўзгартириш истилочилар учун асосий вазифа бўлиб қолаверган.

Инсоният тарихида узоққа чўзилган барча истилолар билан боғлиқ яна бир қонуният борки, бу истилочиларнинг узоқ вақт, яъни истило даври қанча давом этса, шунча чўзиладиган, бўйсундирилган ҳалқнинг мард, ботир, билимли, миллатпарвар кишиларини пайдар-пай йўқотиб бориш ва шу аснода палид, таслимчи, майдакаш, иғвогар, миллат қайғусидан кўра амал ва қорин қайғусидаги кишилар генини миллат қонида, унинг генофондида кўпайтириб боришга ҳарарат қилинишидир.

Бу вазифалар бир неча марта узоқ чўзилган истилолар домига тушган ҳалқимизга нисбатан асрлар давомида шундай самарали бажарилган-

ки, ўз ўтмишимизда яратилган осори-атиқалар, қадриятларнинг асл муаллифи ҳалқимиз эканига ишонмайдиганлар, яъни қадриятларимизни қадрламайдиганлар, истилочиларга ишонадиганлар ва уларга хизмат қиласидиганлар сафи тобора ортиб бораверган.

**Иккинчидан**, ўрта асрлардаги истилодан кейин ватандошларимизга ундан илгари бирор бир миллий қадрият бўлмагани ҳақидаги туйғулар шунчалик давомли ва тизимли сингдирилганки, ҳалигача орамизда кўплаб осори-атиқалар, масалан, "Алпомиш" достони яратилган маконда бугунги кунда яшаётгандарнинг орасида ҳам достоннинг сюjetи тарихи милоддан олдинги асрлардан илдиз олганини тан олмайдиганлар нафақат илмдан йироқ кишилар, балки мутахассислар орасида ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Шуни афсус билан қайд этиш керакки, Ватанимиз тарихининг Исломгача даври илмий асосда ниҳоятда кам ўрганилган. Турли босқинлар, мустамлакачи ва мутаассиб тузумлар бунга йўл бермаган, улар натижасида бу даврга оид манбалар ҳалқимизнинг жаҳон маданияти, инсоният тараққиётига катта таъсир кўрсатган бой маданий мероси аёвсиз йўқ қилинаверган. Юртимида истиқлолга қадар устувор бўлган фалсафий ғоялар, маънавий ва маданий дурдоналар қадрини яхши англайдиган, уларнинг аҳамиятини тушунадиган кишилар биринчи навбатда қатагон қилинган.

Бу масалада Абу Райхон Берунийнинг "Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар" асари

2-сон 2024 йил

юртимизга ислом кириб келганидан олдинги замонлар маъно-мазмуни ва тарихий аҳамиятини тушуниш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Асарда истилочиларнинг барча осори-атиқаларни аёвсиз йўқ қилиб юборгани, ерли аҳоли уларни миллӣ хотирадан бутунлай йўқолиб кетмаслиги учун ёдлаш ва эслаш қобилиятига зўр бера бошлагани ва буни англаган истилочилар факат ўзларига хизмат қиласиган иқтидорларни қолдириб, бошқаларни қириб юборгани ва буни давом эттираётгани тўғрисидаги аламли фикрлар бежиз ёзилмаган.

Бунинг натижасида маънавий қашшоқ ва тарихий хотирализиши кишилар тарбияланиши лозим эди. Бу тўғрида Беруний ўз асарида қуйидагиларни ёзган: "Кутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўргангандан билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок қилиб ва бутқул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди". Ушбу асарнинг бошқа саҳифасида улуғ ватанпарвар олим юқоридагига ухшаш яна бир фикрни қуйидагича ифода этган: "Кутайба хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларни куйдиргани сабабли улар саводсиз бўлиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига сунадиган бўлдилар".

Беруний замонида Ислом ягона ҳукмрон диний мафкура бўлиб турганини эътиборга олсак, зикр этилган асар ва ундаги теран фикрларни бу қадар ўқтамлик билан айтиш ғоят улкан жасоратни талаб этгани аён бўлади. Истилочиларнинг бундай вайронкор сиёсати кейинчалик ҳам давом этди ва ҳар сафар ана шундай ҳол рўй бераверди. Ниҳоятда бой қадриятларимиз, фалсафий таълимотларимиз, умуман, ўз меросимиздан бебахра бўлиб қолдик, баъзи тушунча ҳамда атамалар, кўплаб аллома ва мутафаккирларнинг номлари нафақат тил, балки дилдан ҳам чиқиб кетди ва бутунлай унугтилди. "Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар" асарида аллома бобомизнинг ана шу шафқатсиз қонуният ва унинг оқибатини нақадар тўғри англашани ўз ифодасини топган.

Учинчидан, Беруний бобомиз яшаган даврда ушбу ҳудудда мустақил Барчин подшо давлатининг пайдо бўлиши ва унда эски осори-атиқаларнинг қайта тикланишига катта эътибор берилгани, аллома бобомиздан илгариги икки минг йиллик тарих тизимли тарзда битилган "Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар" асари ҳам ўша давр маҳсули экани эътиборга олин-

са, "Алпомиш" достонининг ҳалқимиз хотирасида сақланиб қолган қадимги сюжети айнан ана шу замонда, Беруний таъбири билан айтганда "Едлаш қобилиятига зўр берган", ёдлаб қолган ва буни аждодларидан мерос қилиб олган авлодга мансуб кишилар томонидан достоннинг ҳозирги варианти қайта тиклангани ҳақиқати мантиқий хуносага келиш мумкин.

Достонда Барчин образига алоҳида эътибор берилгани ва унинг бош қаҳрамонлардан бири даражасига кўтарилгани ҳам унинг исми подшо Барчиннинг номи билан аталгани ҳам ўша давр сиёсати нуқтаи назаридан маъқул бўлгани тарихий ва мантиқий жиҳатдан тушунарли ва баҳс талаб қилмаса керак, албатта.

Тўртинчидан, кейинги йилларда юртимизда атоқли япон олимни Като Кюдзо (1922 — 2016 йил) амалга оширган тадқиқотлар ҳам бундан бир неча минг йиллар илгари Амударё бошланган худуддан Кўнғирот элининг катта бир бўллаги унинг куйи қисмига кўчгани, аммо иккига бўлинган ҳалқ орасида ўзаро алоқалар бутунлай йўқолиб кетмаганини тасдиқлайди. Бу эса "Алпомиш" достонининг бошланишида Боботоғ ва Бойсун худудида рўй берган сиёсий воқеалар ҳамда кўчиб кетганлар бориб ўрнашган жойдаги ҳаёт, асар сюжетининг кейинги тадрижи, ҳалқнинг бўлиниши ва бир қисмининг олисга кўчиб кетиши, кейинроқ эса "Ора узилиб кетмасин" деган удумга амал қилиниши тарзида кечган воқеалар занжири, яъни асарнинг сюжети ўзбек тарихининг билимдони Като томонидан асослаб берилган тарихий воқеаликка тўла-тўқис мос келиши асло тасодиф эмас.

Бу ўз навбатида, жаҳон ҳалқлари тарихида ниҳоятда кўп учрайдиган ва асл тарихий воқееликнинг ҳалқ онгига кўчиши, унинг оғзаки ижоди ва адабиёти, бинобарин, тарихий хотирасининг таркибий қисмига айланиши қонуниятнинг "Алпомиш" достони тимсолидаги яна бир мисолидир. Балки бу кўчишининг сабабларидан бири диний асос билан, яъни ўша даврда юртимизда кенг тарқала бошлаган буддизм тарафдорларининг ўзга ўлкаларга кетиши билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бу Ислом тарихида Мадина даври бошлангани билан боғлиқ жараёнлар илгари ҳам, ундан кейин ҳам тарихда такрорланиб туришидек воқееликнинг яна бир мисолидир.

Като томонидан аввал Сурхондарё, кейинчалик Амударёнинг куйи қисмida кўнғиротлар ҳозиргача яшайдиган макондан топилган Будда ёдгорликлари ушбу фикрни яққол тасдиқлайди. Достонда ҳам ота маконда яшаб қолганлар ҳам, кўчиб кетганлар ҳам ўзларини кўнғиротлар деб

“ЖАҲОН ҲАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА НИҲОЯТДА КЎП УЧРАЙДИГАН ВА АСЛ ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИКНИНГ ҲАЛҚ ОНГИГА КЎЧИШИ, УНИНГ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА АДАБИЁТИ, БИНОБАРИН, ТАРИХИЙ ХОТИРАСИННИГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИГА АЙЛАНИШИ ҚОНУНИЯТНИНГ "АЛПОМИШ" ДОСТОНИ ТИМСОЛИДАГИ ЯНА БИР МИСОЛИДИР.

атайди ва бу ҳақда асарда кўчиб кетган қўнғиротларнинг аждодлари қолган ота юрга талпиниб яшагани ҳақида ўтили мисралар битилгани бекиз бўлмаса керак.

**Бешинчидан,** ҳозирги эпосшунослик назариясига кўра, аксарият қаҳрамонлик достонлари, хусусан "Алпомиш" ҳалқ поэтик тафаккурининг бадиий эволюциясини ўзида мужассамлаштирган асар бўлиб, унда давлатчиликнинг шаклланиши билан боғлиқ тарихий воқелик ва ижтимоий-маданий муносабатлар эпик талқин қилинади. Достонда Алпомиш туғилишидан олдинги шарт-шароитлар у мансуб бўлган жамоанинг истаклари ва онг ости кечинмаларида ўз аксини топган орзулари ифодасидан иборат. Алпомиш ўзининг Добонбий – Алпинбий – Бойбўри каби аждодлари шажарасининг давомчиси сифатида дунёга келади.

Достонда наслдан наслга ўтиб, ота таҳтини ўғиллар эгаллаб шоҳ бўлиши анъанаси ўз ифодасини топгани асарда тасвирланган давр қабиличилик давридан кейинги муҳим тарихий жараёнлар талқинидан иборатлигини кўрсатади. Бундан "Алпомиш" достонининг дастлабки сюжети юртимизда давлат бошқаруви шаклланаётган пайтда, яъни уч-тўрт минг йил илгари пайдо бўлгани аён бўлади.

Буни исботлаш учун эса маҳсус илмий тадқиқотлар ўтказиш, бунда "Алпомиш"нинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда, унинг тарихий-генетик асослари ва типологияси масалаларини биз мансуб бўлган этносимизнинг генезиси ва тарихий тараққиёт динамикаси билан боғлаб тадқиқ этишга алоҳида ўтибор бериш зарур.

**Олтинчидан**, достон дунё ҳалқлари эпик тафаккурининг мумтоз намуналари, жумладан, "Одиссея", "Илиада" сингари йирик адабий қадриятлари қаторида турадиган асардир. "Алпомиш" достонининг мотивлар таркиби, бадиий тили ва поэтик табиатини тадқиқ этиш достон сюжетининг тадрижий ривожи "Олтой версияси" ("Алып-Манаш") → "ўғуз версияси" ("Бомси-Байрак") → "қипчоқ версияси" ("Алпамыша ва Барсын ҳылуу", "Алпамаша") → "қўнғирот версияси" (ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси "Алпомиш") тарзida кечганини исботлашга имкон беради.

Бу жиҳатдан "Алпомиш"нинг қиёсий-типологик табиати, шаклланиш тарихи ва манбаларини ўрганиш асосида унга асос бўлган ғоялар генезисини қадимги ҳалқларнинг "Авесто", "Илиада" ва "Одиссея", "Веда" ва "Упанишад", "Ўзгаришлар китоби" кабилар дунёга келган давлардан бошланганини тахмин қилиш мумкин.

Ҳалқимизнинг у давларга оид номоддий маданий мерос намуналарининг кўпчилиги аввал македониялик Искандар, кейинроқ бошқа босқинлар жараёнида йўқотилгани ва уларнинг айримларигина X-XI асрларга келиб, қисман тиклангани ёки уларнинг сюжетлари асосида музайян варианtlари қайта яратилганини ўтибор-

га олсан, бу тахминларни ўрганиш вакти ўрганини англаш қийин эмас.

**Еттинчидан**, "Алпомиш" сюжетини кўра, қўнғиротларнинг Амударёнинг бошланшидан унинг қуи худудларига кўчиши ўз тарихда қарийб уч минг йиллар илгари айнан шундай ҳол рўй бергани, ҳалигача иккала ҳудудда ҳам "қўнғирот" уруғи ва атамалари сақланиб қолгани, достонда асосан юртимизда матриархат ва илк давлатчилик шаклланган даврлар (айнан 2500-3000 йил илгари) учун хос белгиларнинг кўп учраши ҳам асарнинг қадимиийлигидан, хусусан, унинг Ислом дини мамлакатимизга кириб келганидан анча олдин яратилганидан дарак беради

Маълумки, Ислом дини кириб келганидан кейин яратилган барча асарларда унинг таъсири кучли бўлганини, ҳеч бўлмаганда асарларнинг бошланшида бу ҳолат эътироф этилганини кўрамиз. Дастреб араб ҳалифалиги ва кейинроқ у турли давлатларга бўлиниб кетганидан кейин ҳам бир неча асрлар давомида шундай анъана амал қилингани маълум. Бугунги Ислом давлатларида ушбу анъана ҳозиргача сақланиб қолган.

"Алпомиш"да нафақат Ислом, балки ундан илгари юртимизда тарқалган буддавийликка оид хусусиятлар, атамалар ва тушунчалар учрамаслиги достонининг илк сюжети учун асос бўлган ғоя ва тушунчалар шаклланган даврлар генезисини янада чуқурроқ тарихий тадқиқ қилиш истиқболлари борлигини англатади.

Сирасини айтганда, достонда минтақамиз ҳаётининг энг қадимги даври учун ананавий бўлган ва бундан тўрт минг йиллар илгари тарқала бошланган Тангричилик эътиқодининг таъсири кучлироқ ва унга хос иборалар талайгина учрайди. Шунинг учун ҳам бу достон юзага келишига асос бўлган архаик сюжет ва ундаги автохтон ибораларни аниқлаш, асарнинг ҳалқ бахшилари репертуаридаги бадиий эволюцияси босқичларини ёритиш ва бошқа ҳалқлар эпик ижодиётига таъсирини тадқиқ этиш долзарб масалалар сира сига киради.

Ҳозирга қадар "Алпомиш"нинг тарихий-типологик хусусиятлари Марказий Осиё туркий ҳалқлари фолклори материаллари контекстида-гина ўрганилган бўлиб, унинг қардош бўлмаган ҳалқлар эпослари билан муштарак жиҳатлари Гомернинг "Одиссея"си билан қиёсланган, холос. Лекин унинг Осиё ҳалқлари фолклорига кўрсатган таъсири, бу ҳалқлар қаҳрамонлик достонларининг генетик жиҳатдан ўзаро алоқадорлиги ва муштараклигини аниқлаш "Алпомиш"нинг ҳалқимиз тарихи, тараққиёт тенденциялари, миллий поэтик тафаккурининг ўзига хос ривожи ва бошқа миллатлар бадиий анъаналари билан ўзаро алоқаларини ўзида акс эттирган номоддий маданий мерос намунаси сифатида талқин қилиш имконини беради.

**Саккизинчидан**, "Алпомиш" достони тад-

қиқотчилар назаридан четда қолмаган, албаттада. Ҳусусан, 1922 йилда Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул баҳшилар ижросидаги "Алпомиш" достонининг айрим парчаларини ёзиб олган ЕЮнусовнинг фикрича, бу достон дунё ҳалиqlари эпик тафаккурининг мумтоз намуналари, жумладан, "Одиссея", "Илиада" сингари йирик адабий қадриятлар қаторида турадиган асардир. 1928 йилда шаҳристонлик Мавлон Пирмат ўғлидан "Алпомиш" достонининг мазмунини ёзиб олган А.К.Боровков достоннинг мотивлар таркиби, бадий тили ва поэтик табиатини тадқиқ этган. В.М.Жирмунский "Алпомиш" достони сюжетининг тадрижий ривожи "Олтой версияси" ("Альп-Манаш") →

"ўғуз версияси" ("Бомси-Байрак") → "қипчоқ версияси" ("Алпамыш ва Барсын ҳылуу", "Алпамша") → "қўнғирот версияси" (ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси "Алпомиш") тарзида кечганигини исботгланган. Унинг Ҳ.Зарифов билан ҳамкорликда ёзган "Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси" монографиясида "Алпомиш" достони қўнғирот версиясининг асосий хусусиятлари, достон сюжетининг шаклланиш тарихи, унинг ўзбек баҳшилари репертуарида тутган ўрни, етакчи мотивлар тизими ва образлар таркиби таҳлил этилган. Ҳ.Зарифов "Алпомиш" достонининг асосий мотивлари номли мақоласида достон сюжетининг генетик илдизларига доир янги қарапшларни илгари сурган. Унинг фикрича, "Алпомиш" достони сюжетининг илк намунаси X-XI асрларда Сирдарёning куйи оқимида истиқомат қилювчи қўнғиротлар орасида шаклланган бўлиб, ўзбек уруғларининг миграцияси натижасида бошқа худудларга тарқалган. "Алпомиш" достонини ўрганганд ЕЮнусов, Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Муродов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов ва бошқалар унинг турли тиллардаги ҳамда ўзбекча версиялари, достон сюжетининг генетик илдизлари, етакчи мотивлар таркибининг юзага келиш тарихи ва манбалари, ўзбек баҳшилари репертуаридаги ўзига хос талқинлари билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этган. Улар кўплаб муҳим асарлар яратган, натижадор тадқиқотларни амалга оширган ва бу борада

уларниг хизматлари катта бўлганини эътироф этиш ҳам қарз ва ҳам фарз, албатта.

Афусски:

1) ушбу тадқиқотчиларнинг бирортаси достон сюжетининг ниҳоятда қадимий тарихий асослари борлиги, яъни қўнғиротларнинг бир қисми Амударёning бошланиш маконидан унинг куйи қисмига бундан бир неча минг йиллар илгари кўчгани тарихий ҳақиқат эканлиги ва асарнинг сюжети оддийгина адабий тўқима эмас, балки аслида ҳалқ тарихида рўй берган ана шу тарихий воқеалар тадрижининг ўзига хос адабий ифодаси, достон эса уларнинг бадий акси бўлганига эътибор қаратмаган;


2) шу билан бирга "Алпомиш" яратилган давр деб ўйланган милоднинг XI асрида араб халифалиги аста-секин парчаланиб, нисбатан мустақил давлатлар шаклана бошлагани ва ўша даврга келиб Ислом тарқалганидан олдинги давр тарихига қизиқиш ортгани, унгача бўлган кўплаб осори-атиқалар, қадриятлар, миллий-анъана ва урф-одатлар, ҳалқ оғзаки ижодининг мумтоз намуналари қайта тиклана бошлагани билан боғлиқ жараён ҳам уларнинг диққат марказида бўлмаган;

3) бу жиҳатдан, собиқ иттифоқдаги барча ҳалқлар оғзаки ижодининг тарихи IX асрда пайдо бўлган "Игорь жангномаси"-дан қадимий бўлмаслиги тўғрисидаги партия топшириғига мос

келадиган "социалистик реализм"га хос тамойил "Алпомиш" достонининг бор-йўғи минг йиллик тарихи борлиги ва унинг X аср охири ва XI аср бошида Сирдарёning куйи қисмидаги пайдо бўлгани ҳақида ўтган аср ўргаларида пайдо бўлган баъзи мақолаларга ўз таъсирини кўрсатгани аниқ;

4) юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг барчасида собиқ иттифоқдаги ушбу анъана чуқур ўзлаштирилган ва уларнинг муаллифлари тафаккури унинг таъсирида шаклланганни яқзол сезилиб турди. Бу, ўз навбатида, "Алпомиш"нинг тарихий ёшига нисбатан муайян санани белгилашга ўз таъсирини ўтказгани шубҳасиз.

Биз учун масаланинг айнан ана шу жиҳатлари, ҳалқимиз тарихининг бу борадаги "оқ доғла-



ри" барҳам топтирилиши зарурати билан боғлиқ ҳақиқатлар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жиҳатларнинг чукур илмий тадқиқи ва таҳлили "Алпомиш" достонининг ҳақиқий ёшини аниқлашнинг асосий қалити ҳамда илмий имконияти бўлса, ажаб эмас.


Бу, айниқса, собиқ иттифоқдан холос бўлингани ва мустақилликнинг 33-йилига келиб, ҳалқимизнинг сўнгги истило этилишлардан олдинги қадимија ва азалий қадриятларга қайтилаётган, ота-боболаримизнинг урф-одатлари, осоригатиқаларини қайта тиклаш, миллий идентиклик ва ўзликни англаш тамойилларига эҳтиёж кучайган ҳозирги давр учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётгани шубҳасиз.

Юқоридагилардан хulosса шуки,

1. "Алпомиш"нинг қиёсий-типологик табииати, шаклланиш тарихи ва манбаларини ўрганиш асосида унга асос бўлган гоялар генезисини қадимги ҳалқларнинг "Авесто", "Илиада" ва "Одиссей", "Веда" ва "Упанишад", "Ўзгарышлар китоби" каби мумтоз асарлари дунёга келган даврлардан бошланганини тахмин қилиш мумкин.

2. Ҳалқимизнинг у даврларга оид номоддий маданий мерос намуналарининг кўпчилиги аввал македониялик Искандар, кейинроқ бошқа босқинлар жараёнида йўқотилгани ва уларнинг айримларигина X-XI асрларга келиб, қисман тиклангани ёки уларнинг сюжетлари асосида муйян варианtlари қайта яратилганини эътиборга олсак, бу тахминларни ўрганиш вақти етганини англаш қийин эмас.

3. "Алпомиш" сюжетига кўра, қўнғиротларнинг Амударёning бошланишидан унинг қуийи ҳудудларига кўчиши ва тарихда икки ярим минг йил илгари айнан шундай ҳол рўй бергани, ҳалигача иккала ҳудудда ҳам "қўнғирот" уруғи ва атамалари сақланиб қолгани, достонда асосан юртимизда матриархат ва илк давлатчилик шаклланган даврлар (айнан 2500-3000 йил илгари) учун хос белгиларнинг кўп учраши, Ислом дини кириб келганидан кейин яратилган асарларда унинг таъсири кучли бўлгани, "Алпомиш"да эса бунинг учрамаслиги кабилар достонининг ilk сюжети учун асос бўлган ғоя ва тушунчалар шаклланган даврлар генезисини янада чуқуроқ



тарихий тадқиқ қилиш эҳтиёжи ва истиқболи борлигини англатади.

Ушбу мақоланинг бундан 12 йил муқаддам ёзилган дастлабки варианти "Алпомиш"нинг 3000 йилларини қачон нишонлаймиз?" деб номланган эди. Ўша даврда уни чоп этишнинг иложи бўлмаганини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигига Янги Ўзбекистон барпо этилмоқда, янги тафаккур, янгича қарашлар шаклланмоқда. Айнан ана шу туфайли тарихимиздаги баҳсли ҳолатлар, "оқ доғлар", жумладан, "Алпомиш" достонининг пайдо бўлиши масаласида ҳам кечаги кун учун мутлақо кутилмаган, янгича қарашлар ва имкониятлар

**“ БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БОШЧИЛИГИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БАРПО ЭТИЛМОҚДА, ЯНГИ ТАФАККУР, ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР ШАКЛЛАНМОҚДА. АЙНАН АНА ШУ ТУФАЙЛИ ТАРИХИМИЗДАГИ БАҲСЛИ ҲОЛАТЛАР, “ОҚ ДОҒЛАР”, ЖУМЛАДАН, “АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ МАСАЛАСИДА ҲАМ КЕЧАГИ КУН УЧУН МУТЛАҚО КУТИЛМАГАН, ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР ПАЙДО БЎЛАЁТГАНИ ҲАМ ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ АЙНИ ҲАҚИҚАТИДИР. ”**



пайдо бўлаётгани ҳам ҳозирги даврнинг айни ҳақиқатидир.

Саналар ва бу борадаги ўзгаришларнинг халиқаро эътирофи, хусусан, ЮНЕСКОга келсақ, соғик иттифоқ даврида муайян ёшда, деб келинган Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларининг пайдо бўлиш санасига нисбатан мустақиллик йилларидағи ўзгаришлар бу тахлит ишларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилинmasлигига яққол мисолидир.

Янги Ўзбекистон тафаккури шаклланишини бугунги куни эҳтиёжлари нуқтаи назаридан алоҳида таъкидлаш жоизки, агар биз бу борада асосли далиллар, манбаларга таянган илмий хуносалар тайёрлаб, тегишли жойларга мурожаат қилсақ, "Алпомиш" достони пайдо бўлиш санаси янгиланиши ҳақидаги таклифнинг қўллаб-куватланишига ишончим комил.

Аммо шуни таассуф билан қайд этиш ҳам жоизки, бу масалада ҳам кишини иккилантирадиган ва қийнайдиган яна бир неча афсусланарли ҳолатлар рўй бериши мумкинлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди:

**Биринчиси,** Парижда Академия ташкил этилиши маросимида нутқ сўзлаш учун тайёр гарлик кўраётган Наполеонга нисбатан бериладиган қўйидаги фикрда ифодаланганидек, "Ҳамма бало олимларнинг ўзларида. Иктидорларни ёқтирмайдиган ва уларни ҳеч қачон

академикликка раво кўрмайдиган бу тоифага муҳим ишларни топшириб бўлмайди. Чунки улар ҳар қандай зўр ғояни ҳам, муҳокама қилавериб расво қиласди. Пировардида масала ҳал бўлмай қолаверади".

**Иккинчиси,** ушбу йўналишдаги тадқиқотлар кўпчиликнинг иштироки ва ҳамкорлигиги талаб қиласди. Айни шу масалада бугунги куннинг шиорига айланган "Бир бўлсак – ягона ҳалқимиз, бирлашсак – Ватанмиз" деган пурмаъно ҳикматга амал қила оламизми ёки истилочилар экиб кетган уруғлар генимизни ўзига буриб тураверадими?", деган масала ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

**Учинчиси,** турли ҳолатларга кўп бора дуч келган киши сифатида айтишим мумкинки, "Афсуски, бу сафар ҳам худди шундай, яъни одатдагидай бўлмасмикин?" деган ўй ва у билан боғлиқ юракни зирқиратиб турадиган эзгингин фикрлар ушбу мақола ёзилишидан анча олдин пайдо бўлган эди. Улар ҳалигача мени тарк этгани йўқ...

**Тўртинчиси,** гарчанд бугунги кунда ҳам "Алпомиш" достонининг яратилиш санасини аниқлашга доир муайян қийинчиликлар ва эътиrozлар сақланиб қолаётган бўлса-да, унинг минг йилдан қадимийлиги исботланиши ва ҳақиқий сана нишонланадиган кунлар яқинлашаётганига ишонгим келади.



Истеъдодли ёшларни  
кўллаб-қувватлаш "Улуғбек"  
жамғармаси ва  
"Taraqqiyot vorislari" МЧЖ

Таҳрир ҳайъати:

Оқил САЛИМОВ,  
(таҳрир ҳайъати раиси)  
Республика Истеъдодли  
ёшларни кўллаб-қувватлаш  
"Улуғбек" жамғармаси  
раиси, академик

Иброҳим  
АБДУРАҲМОНОВ  
Кўнғиротбой ШАРИПОВ  
Шерзод ШЕРМАТОВ  
Хилола УМАРОВА  
Сироқиддин САЙДОВ  
Отабек ҲАСАНОВ  
Одил АБДУРАҲМОНОВ  
Алишер САҶДУЛАЕВ  
Мансур БЕКМУРОДОВ  
Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ  
Садриддин ТУРОБЖОНОВ  
Нарзулла ЖЎРАЕВ  
Қиём НАЗАРОВ  
"ТАРАҚҚИЁТ"  
илмий-амалий,  
маънавий-маърифий  
журнал

Бош муҳаррир  
Шаҳло ҲОШИМОВА

Манзил:  
100047, Ташкент шаҳри,  
Моварооннаҳр кўчаси, 24-үй.  
e-mail: mufond@mail.ru,  
mufond@exat.uz  
Тел.: 71-209-97-67

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти хузуридаги Ахборот  
ва оммавий коммуникациялар  
аентлигигдан 17.05.2024 йилда  
278130-рекам билан рўйхатдан ўтган.

"Тараққиёт" журнали Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси "Диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий  
илмий нашрлар рўйхати"га физика-математика, кимё, техника, филология, биология, педагогика,  
санъатшунослик, сиёсий ва тарих фанлари бўйича киритилган.

Бир йилда тўрт марта  
чоп этилади.

Журналдан кўчириб босилгандан  
манба қайд этилиши шарт.

Босишига 10.09.2024 йилда  
руҳсат берилди.

Бичими 60x84 1/8.

Офсет усулда босилди.

Босма таборин 11.0.

Обуна индексин: 1417

Буюртма № 961

Адади 1500 нусха.

"EUROASIA PRINT" МЧЖ

нашриётида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,

Учтепа тумани 11-мавзе, 1-үй.

# МУНДАРИЖА

## Шавкат АЮПОВ

Исботлаш имкони

2

## Шаҳло ҲОШИМОВА

Илм ва маърифат – тараққиёт асоси

6

## Кўнғиротбой ШАРИПОВ

Муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлаш

10

## Иброҳим ҒАФУРОВ

Бадиий адабиёт: бугун ва эртага

20

## Бахтиёр МЕНГЛИЕВ

Ўзбек тилшунослигида методология муаммоси

27

## Абдуқодир ҚУРБОНОВ

Юрак – меҳрга муҳтож!

38

## Жавоҳир АҲМЕДОВ

Оқланаётган умид

42

## Диёрбек ТАПКАНОВ

Инновацион қўриқчи

46

## Камола ИРИСҚУЛОВА

Аҳолини сел тошқинларидан огоҳлантирувчи қурилма

47

## Хумоюн МИРЗО

Жўумардлик тимсоли

48

## Муҳаммадқосим МАМАСАИДОВ

Бош мақсад – даромадли бизнесга асос солиш,  
янги иш ўринларини яратиш

50

## Марианна ВУЛФ

Болаларга кўпроқ китоб ўқиб беринг!

54

## Тилланисо ЭШБОЕВА

Инсон шахсиятининг архетипик йўли

59

## Кайхон АТОЕВ

Доривор ўсимликларнинг ягона ахборот-таҳлил платформаси

64

## Жалолиддин САФОЕВ

Нотиклиқ санъати

68

## Қиём НАЗАРОВ

Мумтоз қадриятларга янгича қараш зарурати

76

## Муножат ЙЎЛЧИЕВА

Мақом – улкан мусиқий қомус

85

## Маъруф ДИЛМУРОДОВ

"ECTOPROTEZ": арzon, қулай, самарали

91

## Уно КОИТИРО

Китлар худоси

94